

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш
ишларини бажариш бўйича
№ 30 сонли ШАРТНОМА**

2022 йил «25» июль

Фуркат тумани

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **DIZAYNER MUXANDIS XK** (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари **Э. Ахмедов** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Фуркат тумани МТБ** номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари **Д.Қодирова** ўрталарида № 22110012120587 лотга асосан куйидаги мақсадларда тузилди:

1. Шартнома предмети

- 1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиҳа-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:
Фуркат туман 30 МТТ иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш _____
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 29014663 сўм, йигирма тўққиз миллион ўн тўрт минг олти юз олтиш уч сум (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил қилади.
- 1.3. Бажариладиган иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4. Иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: 9 кун (тўққиз)

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Бажарилган иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар прейскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган иссиқлик тизми жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.
- 2.2. «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 60 кун ичида амалга оширади.
- 2.3. Иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатда, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.
- 3.3. «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиҳа-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.
- 3.4. «Буюртмачи» бажарилган иссиқлик тизми жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиҳа-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.
- 3.5. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларла мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланди.
Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга бекор қилишга ҳамда зарарини қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

4. Жарималар қўлланилиши

- 4.1. Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий қийматидан 20%, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

- 4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддати ўтган ҳар бир кун учун муддатида бажарилмаган ишларни қийматини 0,5% миқдорда, лекин кечиктирилган ишлари қийматини 50% дан ошмаган миқдорда «Буюртмачи»га пеня тулайди.
- 4.3 Агар «Буюртмачи» қабул қилиб олинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддатларда асоссиэ равишда тўлов амалга оширилмаса, «Буюртмачи» муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлови кечиктирилган суммадан 0,4 % миқдорда, лекин кечиктирилган туловни суммасини 50% дан ошмаган миқдорда «Иш бажарувчи» пеня тулайди.
- 4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5. <Форс-мажор>

- 5.1 Шартномада хўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енғин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

- 6.1 Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «31» декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома қуйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
 - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
 - в) «Иш бажарувчи» томонидан маъкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
 - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиҳа-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси қамъйтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 - д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (қамъиши еки қупайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келишга олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га езма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Қўшимча шартлар

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.
- 7.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (гувоҳнома,) «Истеъмолчи»га тақдим этади.
- 7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этилган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- 7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли вазначилик бўлинимасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишли вазначилик бўлинимасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга қилилади. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаганда ҳужалиқ суди орқали ҳал қилинади.

8. Томонларнинг юридик мановили ва реконаллари:

«Иш Бажарувчи»
DIZAYNER MUXANDIS XK

(мол етказиб берувчининг номи)

«Буюртмачи»
Фуркат тумани МТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзили: Ўзбекистон, тумани

Манзили: Кичик-янги шаҳарчаси

Тел./факс

х/в 2020800000526397001

Банк номи "Универсалбанк"

МФО 00073 С/Т/П 109550021

ОКОНХ

Тел./факс

ш/х 100022860302387091100251001

бюджетдан маблағ олувчи С/Т/П 105153794

ОКОНХ 92400

Вазначилик бўлинимаси номи: Фуркат тумани

бўйича Вазначилик бўлинимаси

Л/Ҳ: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий

банкнинг Тошкент ш. ХККМ

МФО 00014

С/Т/П 201122919

Д. Кадрова

(Ф.И.Ш.)

(имзо)



Э. Ахмедов
(Ф.И.Ш.) (имзо)

М.У.



М.У.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektlari) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

(Ishbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DIZAYNER MUXANDIS" Xususiy korxonasi

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektlari tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DIZAYNER MUXANDIS" XK

(Yuridik shaxsning davlat reyestriga ro'yxatlangan nomi)

Tashkil etilishi (qayta tashkil etilish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.05.2027

1137663

ro'yxat raqamini vaziyat kiritilganligi tasdiqlanadi

(Shaxs, uy loqih baxsh nomi)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

309550021

Tashkiliy-huquqiy shakli

Xususiy korxonasi

Joylashgan joyi

Farg'ona viloyati, O'zbekiston tumani, Qumbosti MFY, Qumbosti kumasi, 272-uy.

Guvohnoma

Farg'ona viloyati, O'zbekiston tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
FURQAT TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151700, Furqat tumani, Mevazor ko'chasi, 20-uy
Tel: (99873) 549 12 47, el. pochta: furqat-yurmarkaz@adliya.uz

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HYJJATLARNING QONUN
HUJJATLARGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

25.07.2022 yil

Furqat tumani

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma

2. **Loyihaning nomi:** Furqat tumani maktabgacha ta'lim bo'limi nomidan rahbari D.Qodirova va "DIZAYNER MUXANDIS" xususiy korxonasi rahbari E.Axmedov o'rtasida budjetdan mablag' oluvchi muassaslarda issiqlik tizimini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risidagi № 30-sonli shartnoma

3. **Loyixa ishlab chiqilgan va markazga kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Shartnoma loyihasi 2022-yil 25-iyul kuni ishlab chiqilgan va Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 25-iyul kuni ekspertizadan o'tkazish va xulosa olish uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasini o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun hamda boshqa qonun hujjatlari talablari asosida ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

Xulosa qilaman:

Furqat tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan 30-sonli DTMni issiqlik tizimini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risidagi № 30-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Furqat tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti



M.M.Axmedov

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 120587 на приобретение Фурқат туман 30 МТТ иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 20.07.2022

Время рассмотрения 18.07.2022 09:37

Конкурсная комиссия Фурқат тумани мактабгача таълим булими (юкори), (Далее - Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ALIQULOV YUSUBJON XAYITOVICH	Коммунал хизматлар бўйича инспектор комиссия раиси	Комиссия раиси
Секретарь комиссии	DILSHODOV AXRORJON DILSHODJON O'G'LI	Комиссия котиби	Фурқат туман МТБ Иқтисодчи
Член комиссии	SOTVOLDIYEVA MUNOJAT'XON QODIROVNA	бош ҳисобчи, комиссия аъзоси	Фурқат МТБ
Член комиссии	XUSHIMOVA GULZORAXON SIDDIQJON QIZI	шартнома бўйича мутахасис, комиссия аъзоси	Фурқат МТБ
Член комиссии	MUROTOVA DILSHODAXON KABULOVNA	бош ҳисобчи ўринбосари комиссия аъзоси	комиссия аъзоси
Член комиссии	TURG'UNOV ABRORJON MIRZAKARIM O'G'LI	муҳандис Комиссия аъзоси	Фурқат МТБ Муҳандиси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.07.2022 года № лота 120587.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. Балл: 10

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по монтажу и демонтажу систем отопления
Подробное описание	Услуга по монтажу и демонтажу систем отопления
Количество товара	1,00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 769 659,00
Стартовая сумма	29 769 659,00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Бажариладиган ишлар муддати сифатига кафолат фаолият тугрисидаги 1-2 шакллар маълумоти ҳисоб ракамдаги маблагнинг мавжудлиги Тегишли тартибда расмийлаштирилган тижорат таклифи. Унда: таъмирлаш учун таклиф қилинган сумма бўлиши ва ишларни бажариш муддати кўрсатилиши шарт. Таклифга мос равишда тайёрланган оферта ҳужжати

Тип: Текстовое значение

Описание: Нуксон далолатномасида кўрсатилган ишларни сифатли бажарилиши ҳамда маблагнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
DIZAYNER MUXANDIS XK	10	Бор	10	Экспертная		
IRMOQ MCHJ	10	Бор	8	Экспертная		

Критерий №2 Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида солик идорасини маълумотномаси ҳамда бажариладиган ишларга 1 йиллик кафолат

Тип: Текстовое значение

Описание: Карздорлик йуклиги тугрисида солик маълумоти ҳамда бажариладиган ишларга 1 йиллик кафолат

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
DIZAYNER MUXANDIS XK	10	Бор	10	Экспертная		
IRMOQ MCHJ	10	Бор	9	Экспертная		

Критерий №3 Корхонанинг тулик юридик манзил банк ва солик реквизити телефон раками гувоҳнома ва солик ИНН кредиторлик карздорлиги тугрисида маълумот ва тижорат таклиф

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонанинг тулик юридик манзил банк ва солик реквизити телефон раками гувоҳнома ва солик ИНН кредиторлик карздорлиги тугрисида маълумот ва тижорат таклиф

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
DIZAYNER MUXANDIS XK	10	Бор	10	Экспертная		
IRMOQ MCHJ	10	Бор	9	Экспертная		

Критерий №4 Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг сони тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Зарурий техника ва моддий ресурсларини шунингдек ишчи ходимларни сони тугрисидаги маълумот аферта хужжатлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
DIZAYNER MUXANDIS XK	10	Бор	9	Экспертная		
IRMOQ MCHJ	10	Бор	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
DIZAYNER MUXANDIS XK	29 769 659.00	29 014 663.00 UZS	29 014 663.00	00.00	29 014 663.00	16.07.2022 11:23:11	20.00
IRMOQ MCHJ	29 769 659.00	29 500 000.00 UZS	29 500 000.00	00.00	29 500 000.00	16.07.2022 11:30:26	19.67

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
DIZAYNER MUXANDIS XK	78	20	98
IRMOQ MCHJ	70	19.67	89.67

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 120587 от 20.07.2022 года на приобретение Фурқат туман 30 МТТ иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш определила победителем:

DIZAYNER MUXANDIS XK
309550021

и резервный исполнитель: IRMOQ MCHJ (203618979)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ALIQULOV YUSUBJON XAYITOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUROTOVA DILSIYODAXON KABULOYNA	Согласен	
Член комиссии	XOŞIMOVA GULZORAXON SIDDIQJON QIZI	Согласен	
Член комиссии	TURG'UNOV ABRORJON MIRZAKARIM O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ТАСДИҚЛАЙМАН

Фурқат тумани МТБ мудираси



Д.Кодирова

“ 25 ” июль 2022 йил

Фурқат тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 30-сонли ДМТТ несижлик тизмини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2022 йил бюджетдан (ПХР 100022860302387091100251001) ажратилаётган маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг йиғилиши

БАЁНИ № 11

Қатнашдилар:

Комиссия раиси Ю.Алиқулов Фурқат тумани МТБ камунал хизматлар бўйича мутахасис
Комиссия аъзолари --- М. Сотволдиева МТБ бош ҳисобчиси

А.Тургунов Фурқат тумани МТБ муҳандиси,

Д.Муротова Фурқат тумани МТБ ҳисобчиси

Г.Хошимова давлат харидлари ва шартномалар бўйича ҳисобчи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ЎРҚ -684 сонли “Давлат харидлари тўғрисидаги” ги қонунига мувофиқ 07 июль 2022 йил куни энг яхши таклифларни танлашга жойлаштирилган лот № 120587 рақамли Фурқат тумани МТБ тасарруфидаги 30-сонли ДМТТ несижлик тизмини жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш учун товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 07.07.2022 йилдан 16.07.2022 йил кунигача 5 иш кунига эълон жойлаштирилган. Ушбу эълон бўйича 16.07.2022 йилгача 2 пафар қурилиш соҳасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди. Жумладан:

“ ИРМОҚ ” мчж.

“Дизайнер Мухандис” х/к

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари ўрганиб чиқиб 20.07.2022 йил куни баҳоланган ва 2 иш кунини мобайнида муҳокамага қўйилган. 25.07.2022 йил кунигача 2 иш кунини мобайнида эътирозлар келиб тушмади. 25.07.2022 йил куни МТБ тасарруфидаги 30-сонли ДМТТ несижлик тизмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ҳолиб деб танилган “Дизайнер Мухандис” х/к билан шартнома имзоланишга келишилди

МТБ Комиссия раиси :

Ю.Алиқулов

Фурқат тумани МТБ муҳандиси:

А.Тургунов

Фурқат тумани МТБ бош ҳисобчиси:

М.Сотволдиева

Фурқат тумани МТБ ҳисобчиси

Д. Муротова

МТБ Давлат харидлари ва шартномалар бўйича ҳисобчи

Г.Хошимова